

Ушбу
сонда:

“ОҲАЛИК ЛЕМАНН”
РАҚОБАТГА ИНТИЛАДИ

ВАСИЯТНОМА
КАНДАЙ
ТУЗИЛАДИ?

«НАСАФ» ҲАМОН
ПЕШКАДАМ



Газета 1995 йил 22
февралдан чиқа
бошлаган

АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

● ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. ● СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА ● 2005 йил 12 август ● № 33 (529)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

СУДЛАР ИСЛОҲОТИГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни фракция раҳбари Дилором Тошмухамедова бошқарди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси Худойер Маматовнинг юқоридagi масала юзасидан маърузаси тингланди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқ-тарғибот идоралари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чин маънадаги мустақиллигига эришиш, уларнинг ҳуқуқий демократик давлат барпо этишдаги мавқеини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Президентимизнинг мазкур Фармони суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг мантйқий давомидир.

Фракция йиғилишида Президентимизнинг ушбу Фармони мазмун ва моҳиятини «Адолат» ОДП партиясининг бошланғич ва етакчи бўғинларида атрофлича ўрганиш, партия етакчилари ва фаолларидан иборат тарғибот гуруҳлари тузиш ҳамда аҳоли ўртасида кенг тушултириш ишларини олиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишида Фармон талабларидан келиб чиқиб, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилиши муносабати билан ҳорижий давлатлар амалиёти ва тажрибасини ўрганиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят ижроия кодексларига, «Судлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлифлар тайёрлаш, шунингдек, партия фаоллари, илмий муассасалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, фуқаролик жамияти институтлари билан бу борада илмий-амалий конференция ўтказиш бўйича қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз



Истиқлол иншоотлари



РАВОН ВА ОСУДА ЙЎЛЛАР

шаҳримизга кўрк, кўнглимизга ҳайрат беради

Мамлакатимизда мустақиллик арафасида равон йўллар ва кўприклар, гузар ва хийбонлар барпо этилиб, фойдаланишга топшириш аянча тусига кирган. Яқинда қурилиб фойдаланишга топширилган Сирғали туманидаги Тошкент автомобиль халқа йўлининг 61-километри транспорт ечимидagi кўприк ҳам фикримизнинг яққол далилидир. «Ўзавтйўл» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Йўллойихабуро» давлат унитар корхонаси ҳамда

«Тошкентбашлангити» институти ходимлари томонидан ушбу объект ниятда қисқа муддатда қурилди. Мазкур кўприк Тошкент орқали ўтадиган маҳаллий ва хорижий транзит транспорт воситалари учун қулайлик яратди. Чунки, транспорт воситаларининг шаҳарга кирмасдан ўз ҳаракатини давом эттириш имкониятини яратди.

Янги кўприк қурилиб фойдаланишга топшириш муносабати билан Кўйлик, Сирғали йўналиши, Усмон

Носир ва Гавҳар кўчалари анча кенгайтирилди. Бу эса ўз навбатида пойтахтимиздаги транспорт воситалари ҳайдовчиларига қўл келмоқда.

Эндиликда бу равон ва осуда йўлларда машина бошқарган киши қулайликлардан қўнғли ярайди. Негаки, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида икки томонлама йўналишлар орқали темир бетон тўсиқлари билан ажратиб қўйилган. «Тошшаҳархур» давлат унитар корхонаси ҳам бу жа-

раёнда фаол иштирок этиб, кўприк ва йўл чеккаларига чироқларни ўрнатди. Айни пайтда Тошкент шаҳар обodonлаштириш бош бошқармасининг ходимлари бу ерда кўкаламзорлаштириш, ирригация — сугориш тармоқларини йўлга қўйиш ишларини амалга оширмоқда. Янги кўприк бир кеча кундузда 25 минг транспорт воситасига хизмат қилиши мўлжалланган.

Ўз мухбиримиз
ШАКРАМОВ
олган суратлар

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — ФАҲРУ ҒУРУРИМИЗ!

«Мустақиллик», «Истиқлол» тушунчалари кун сайин, йил сайин онгу шууримизга тобора мустаҳкам муҳрланиб бормоқда. Бу тушунчаларни эътиборимиз, ўқиганимиз ва ҳис қилганимиз баробарида уларнинг маъно-моҳиятини англашга бўлган маънавий эҳтиёжimiz ортиб бораверди. Бинобарин, Истиқлол давлатининг маънавий-ҳуқуқий, иқтисодий салоҳиятига янада муҳимроқ омили — ҳарбий кудратига таянади. Шу маънода бугун мустақил Ўзбекистон ўзини ҳар қандай тажовуз ва террорчи кучлар ҳуружидан ҳимоя қила оладиган кудратли давлатга айланди.

Бу муваффақиятга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган кундан эътиборан Президентимиз томонидан чегаралар дах-

ларни жойлаштириш, ҳарбий техника, қурол-яроғларни сақлаш ва тақомиллаштириш каби вазифалар юклатилди. 1992 йил 14 январда эса мамлакатимиз ҳудудидagi



аҳамияти инобатга олинган ҳолда мазкур сана «Ватан ҳимоячилари кун» деб эълон қилинди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондонини Ислам Каримовнинг ташаббуси ва раҳбарлигида ҳарбий соҳадаги ягона давлат сиёсати ишлаб чиқилди. «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Ҳарбий Доктринанинг қабул қилиниши миллий армиямиз салоҳиятини янада ошириш, жангвор шайлигини юксалтиришга хизмат қилиш билан бирга соҳа ислохотлари стратегиясини белгилаб берди.

Мамлакатимиз мудофаасига энг замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа жалб этилди. Ҳарбий таълимни ислох қилишга катта эътибор қаратилди. Ҳаво кучлари учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга йўналтирилган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти очилди. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик, Чирчик олий танк қўмондонлик-муҳандислик ҳарбий билим юртлири қайта ихтисослаштирилиб, улар негизда армиямиз учун зарур мутахассисликлар бўйича малакали офицер кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. (Давоми 3-бетда)

Сўнгги йилларда юртимизнинг ҳар бир гўшаси тобора чирой очиб бормоқда. Янги ишлаб чиқариш корхоналари, турли маийий бинолар қад кўтармоқда. Айниқса, шарқона одоб-ахлоқ, таълим-тарбия маскани бўлган маҳаллаларимизда олиб борилаётган кенг кўламли ободончилик ишлари таҳсинга сазовордир.

Маҳалламизда тозалик, озодалик, ободончиликка катта эътибор қаратилади. Ҳар бир фуқаро ҳеч бўлмаса ўз хонадонини, ўз кўчасини обод қилишга интилади. Мақтанаяпти демангу, ҳозир маҳалламизга келсангиз ҳавасингиз келадди. Қўчалар асфалтланган, йўл бўйларига турли мева ва манзарали дарахлар экилган. Турфа хил анвойи гуллар чор атрофга ўзгача гўзаллик бағишлаган. Ичмагина бозорчамиз ишлаб турибди. Замонавий спорт майдончалари болаларимиз хизматида. Айтганча, ушбу бунёдкорлик ишларини бекам-қўст баҳаришда вилоятимиздаги «Қизилқуммент»

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-ҳуқуқий жабҳадаги ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Миллий қонунчилигимизни шакллантириш асосида фуқароларимиз онги, дунёқараши ва тафаккурида ўзгаришлар рўй берди. Қонун устуворлиги ҳаётий эҳтиёжга айланиб бормоқда.

Бош қомусимиз — Конституциядан инсон манфаатлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган. Зеро, фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминлангандагина одамларнинг қонунларга ишончи ор-

ОБОД ЮРТГА БАЙРАМ ЯРАШАР

очик акциядорлик жамиятининг ҳиссаси салмоқли. Негаки, корхонанинг маҳалламизни тоза ичимлик суви билан таъминлаш, бозорча ва спорт майдончасини қайта таъмирлаш, кўчаларни ободонлаштириш, мактаб ва боғчаларга ҳар томонлама ёрдам беришдек савоб ишни зиммасига олганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Эзгу ишнинг қаноти бор, деганларидек, корхона ташаббуси ва ҳомийлигида қисқа вақт ичида кўплаб ишлар қилинди.

Баҳор келиб кунлар исий бошлаши билан ҳудудга минглаб мева ва манзарали дарахт кўчатлари, турли-туман гуллар экилди. Айни пайтда эса «Қизилқуммент» кўмаги билан замонавий болалар спорт майдончаси таъмирланмоқда.

Жорий йилнинг юртимизда «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб

этади. Вазирлар Маҳкамасининг «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги қароридан келиб чиққан ҳолда маҳалламизда талай ишлар қилинаётди. Айниқса, ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга, соғлом турмуш тарзига оммавий жалб этиш, касб-ҳунарга ўргатиш, уларнинг бўш вақтларини бе-

кор ўтказмасликка алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, яқинда ҳомийимиз «Қизилқуммент» ОАЖ томонидан 15-мактаб ўқувчиларига 4

Юртимизда аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш, айниқса, болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мам-

лакатимизнинг ҳар бир бурчагида барпо этилган замонавий спорт маҳмуалари, сув ҳавзалари, теннис кортлари, спорт манежларида минглаб ўғил-қиз йил бўйи спорт билан шуғулланимоқда. (Давоми 4-бетда)

миллион 748 минг сўмлик спорт жиҳозлари тўхфа этилди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилалар эътибордан четда қолётгани йўқ. Саломатлиги заиф кишиларга дам олиш масканларига йўланмалар берилаяпти.

Айни кунларда маҳалламиз аҳли Истиқлол тантаналарини ҳар томонлама муносиб кўпиб олишга шайланмоқдалар. Амалга ошираётган ишларимиз эса барчага кўтаринчи қайфият бағишляпти. Ахир, обод юртга байрам ярашди-да.

Нуриддин АРЗИЕВ,
Навоий шаҳридаги
«Бунёдкор» маҳалла
фуқаролар йиғини
фаоли

Қонун ҳимоясида

байнида «Фуқароларнинг муножаатлари тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан вилоятдаги турли корхона, ташкилот ва муассасаларда 11 та текширув ўтказилди. Аниқланган қонунбузилишларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилиб, мазкур ҳолатларни бартараф қилиш тўғрисида 14 та тақдиминоа киритилди. 20 нафарга яқин мутасадди шахсларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Амалдаги йилнинг 6 ойи давомида вилоят прокуратура идораларига фуқаро ва юридик шахслардан 3 мингга яқин ариза ва шикоят хатлари келиб тушди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча кўндири. Мазкур арзномалар ўз вақтида ўрганиб чиқилди ва тегишли чора-тадбирлар қўрилди. Таъкидлаш керакки, қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйганлар орасида мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг боллиги ачинарлидир.

Шикоят хати бекорга ёзилмайди. Қаерда адолат мезонини бузилса, уша ерда фуқаро қонундан ҳимоя қутади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир муножаат ортида инсон тақдирини ўтказиб бериш ҳақида ҳар бир муножаатдаги раҳбар ходимлар ўз вазифаларига масъулият билан ёндашсалар, айти мудоао бўлар эди.

Бобур СОБИРОВ,
Бухоро вилояти прокурорининг
катта ёрдамчиси



сизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган қарорлар қабул қилинди. 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа вазирлиги ташкил этилди. Вазирлик зиммасига умумий сафарбарлиқни ташкил этиш, миллий гвардия тузиш, фуқаролар мудофаасини амалга ошириш, ҳарбий таълим соҳасини бошқариш, қўшин-

барча Қуролли Кучларни Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қуролли Кучларнинг мамлакат суверенитети ва ҳудудий ахилтилигини сақлаш, халқимизнинг тинч-миллий гвардия тузиш, фуқаролар мудофаасини амалга ошириш, ҳарбий таълим соҳасини бошқариш, қўшин-

